

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





по коммуникации.

Поведение людей, принадлежащих к другим культурам, вовсе не является чем-то непредсказуемым, оно поддается изучению и прогнозированию. Изучение иных культур, их особенностей, закономерностей их функционирования и развития обогащает человека, трансформирует его отношение к миру и другим людям, может кардинально изменить его отношение к жизненным ситуациям.

Литературы:

1. Djumaev U.S. Uncertain Stereotypes and the Intellectual Brain: Knowledge and Culture in the Perception of A "One-Sided" Person. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 9s, (2020), pp. 5360-5369.
2. Djumaev U.S. PERSONAL IDENTIFICATION AND IDENTIFICATION IN NATIONAL CULTURE. South Asian Academic Research Journals <http://www.saarj.com>. ISSN: 2249-7137 Vol. 10 Issue 2, February 2020.
3. Djumaev U.S. Identity of Personality and National Culture. International Journal of Academic Research in Business, Arts and Science (IJARBAS.COM). Volume: 2, Issue: 4 Page: 42-48 YEAR: 2020.
4. О.В.Сагинова, И.И.Скоробогатых, Ж.Дюметц. Кросскультурный маркетинг. Учеб. пособие, Инфра-М, 2011
5. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. М, 2000
6. Грушевицкая Т.Г., Садохин В.П. Основы теории межкультурной коммуникации. М, 2000



Останов Шухрат Шарифович,

Бухоро давлат университети, психология кафедраси в.б. доценти

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ НАМОЁН БЎЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Олий таълим тизимида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг креатив хусусиятларини арт-терапия усуллари орқали ривожлантириши ҳақида сўз боради. Ҳозирги кунда долзарб саналган касб танлаш муаммоси, касбга йўналтириши усуллари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: креативлик, арт-терапия, конвергент, дивергент, семантик спонтан мослашувчанлик.

Аннотация: В этой статье мы поговорим о развитии творческих способностей студентов, обучающихся в системе высшего образования, с помощью методов арт-терапии.

Ключевые слова: творчество, арт-терапия, конвергентная, дивергентная, семантическая спонтанная адаптивность.

Abstract: In this article we will talk about the development of creative features of students studying in the higher education system through Art-therapy methods.

Key words: creativeness, Art therapy, konvergent, divergent, semantic spontaneous adaptability.

Бутун дунёда таълим тизимининг асосий мақсади талабаларга янги муҳит талаблари асосида билим бериш, ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, ёшларнинг, янги ғоялар ҳосил қила оладиган, янги маҳсулотлар ярата



оладиган ва ҳар қандай вазият, жараён ёки фаолиятнинг ностандарт ечимини топа оладиган ижодкорлик хусусиятини шакллантиришдан иборат.

Жаҳонда мамлакат ҳамда жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Чунки илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади. Давлатларнинг тарихий ривожланишида ёшларга бўлган эътибор муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга имкониятлар яратиш, уларнинг манфаатларини ифода этувчи ҳуқуқий база яратилиши давлатнинг келажакда тараққиёт даражасини белгилаб беради¹.

Мамлакатимизда таълим тизимида юз бераётган жадал ўзгаришлар сабабли янги қоидаларнинг, янгича тизимнинг пайдо бўлиши замонавий дунёда ижодкор шахснинг ривожланишига улкан талаблар қўяди. Ижодкор шахс ўз тараққиётининг барча босқичларида жамият томонидан тан олинади ва маълум ижтимоий статусига эга бўлади. Психологик тадқиқотларда ижодкорликни ривожлантириш билан боғлиқ соҳалар – талаба шахсининг ижодий муаммоларни ҳал етиш муваффақиятини белгиловчи хусусиятлари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда шахслараро муносабатларнинг тобора замонавий тус олиши, яъни талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви, олий таълим муассасалар ҳамкорлиги, халқаро конференциялар, туризм соҳасининг ривожланиши бўлажак мутахассисдан креативлик хусусиятларини талаб қилмоқда.

Ўрганилган илмий-амалий адабиётлар таҳлили ва ўз кузатишларимизга асосланган илмий тадқиқий мулоҳазалар бугунги кунда талабаларда креативлик хусусиятларини психологик жиҳатлари ва унинг шаклланганлик даражаларини тадқиқ қилишни атрофлича эмпирик жиҳатдан ўрганишни тақазо қилмоқда.

Энг аввало, олий таълим талабаларида креативлик хусусиятини ижобий ва салбий сифатларини шаклланганлик даражалари ва психологик омиллари, мезонлари қўламини аниқлаш ва уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш учун тегишли методларни танлаш ва ишлаб чиқишга тўғри келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган психологик тузилмаларга асосланиб, ўз тадқиқотимизда креативлик сифатлар мезонлари тизимини ишлаб чиқилди ва шу тизим асосида талабаларда креативлик сифатларининг ривожланиш даражаларини ўргандик, таҳлил қилдик ва тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Энди, ҳар бир усулнинг тадқиқот мақсадига мос мазмуни ва тадқиқ қилиш услуби ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтаемиз.

Методика. ВИЛЯМС ИЖОДКОРЛИГИ ТЕСТИ

Виямс тести 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардаги ижодкорликни комплекс ташхислаш учун мўлжалланган. Ижодий фикрлаш ва шахсий ижодий хусусиятлар билан боғлиқ сифатларни баҳолайди.


Тестлар уч қисмдан иборат:

- 1 Турли хил (ижодий) фикрлаш тести
- 2 Шахсий ижодий хусусиятлар тести (болалар учун сўровнома)
- 3 Виямс шкаласи (ота-оналар ва ўқитувчилар учун сўровнома)

Виямс ижодий тестлари ижодкорликни ташхислаш учун энг яхши психодиагностик воситалардан биридир. Чунки, Виямс тестлари ишончли, қулай ва кенг ёш гуруҳга мўлжалланган бўлиб, турли ижодий хусусиятларни акс эттиради.

Тест мактабгача ёшдан бошлаб (5-6 ёш) ва мактабнинг битирув синфларига (17-18 ёш) болаларнинг ижодий истеъдодини ўрганиш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу тестларнинг вазифаларига жавоблар субъектлар уларга расм ва имзо шаклида берилиши керак. Агар болалар ёзишни билмаса ёки жуда секин ёзишса, экспериментатор ва унинг ёрдамчилари уларга расм чизишларига ёрдам беришлари керак. Шу билан бирга боланинг тасаввур доирасидаги тасвирларга тўлиқ риоя қилиш керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.



Талабалар креативлик хусусият даражаларини тадқиқ қилиш ижтимоий-психологик сўровномаси

Омиллар	1-2 курслар n=180	%	3-4 курслар n=180	%
дивергент фикрлаш	24	13,3	26	14,4
конвергент фикрлаш	36	20,0	36	20,0
Ностандарт вазиятларда ечим топиш қобилияти	38	21,1	36	20,0
семантик спонтан мослашувчанлик	22	12,2	24	13,3
креативлик когнитив	32	17,8	32	17,8
оригинал ечимларга эришиш қобилияти	28	15,6	26	14,4
Жами:	180	100	180	100

Даставвал талабалардаги ижодий фикрлаш ва шахсий ижодий хусусиятларни умумий ҳолатини ўрганишда Виямс тестини татбиқ этишдан олинган қийматлар устида таҳлил амалга оширилди.

Виямс тести бўйича талабаларнинг креативлигини шартли равишда белгилаган баллар бўйича баҳолаймиз.

Талабаларнинг ижодий фикрлаш ва шахсий ижодий хусусиятларини даражаси таҳлили Виямс методикасининг даставвал тўртта субтестида олиб борилди. Булар равонлик, мослашувчанлик, ўзига хослик, ҳамда яратувчанликдан иборат.



Куйидаги 2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами 360 нафар талабаларининг «**равонлик**» қобилияти 1-2 курсларда 21,1 %, 3-4 курсларда 22,2 %, «мослашувчанлик» қобилияти 1-2 курсларда 24,4 %, 3-4 курсларда 32,2 %, «ўзига хослик» қобилияти 1-2 курсларда 32,2 %, 3-4 курсларда 25,6 %, «**яратувчанлик**» қобилияти 1-2 курсларда 22,2 %, 3-4 курсларда 20,2 % ни ташкил қилди. («2.2-жадвалга қаранг»).

Юқоридаги таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики 1-2 курсларда «ўзига хослик» қобилияти энг юқори кўрсаткични (32,2) ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики 1-2 курс талабаларида индивидуал-психологик хусусиятларнинг роли катта бўлиб улар ҳар бир вазият ва жараёнда ўзига хос шахслилик хусусиятларини намоён қиладилар. «**Равонлик**» мезони бўйича 1-2 курс талабаларида энг қуйи кўрсаткични (21,1 %) ташкил қилди. Демак, талабаларда ўқиш даврининг илк йилларида шахслараро муносабатга киришиш, ўз фикрини бемалол айта олиш ва атрофдагилар билан тез тил топиб кетиш укуви етишмас экан. 3-4 курс талабаларида эса «мослашувчанлик» қобилияти (32,2%) энг юқори ўринни эгаллади. Демак, талабаларда атроф-муҳитга, ҳар хил ноқулай вазиятларга ҳамда ўз тенгдошлари/ шунингдек атрофдаги бошқа шахсларга ҳам уларда ижтимоий адаптация анча шаклланишини кўриш мумкин экан.

Юқоридаги эмпирик натижалардан кўриниб турибдики, талабаларнинг ижодий фикрлашида анча тафовутлар бор ва бу келажакда уларнинг баркамол шахс ва етук мутахассис бўлиб етишишида бир қанча тўсиқларга олиб келиши мумкин. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, шахснинг ижодий ўсишида маданий шарт-шароитлар, ижодий муҳит, зарурий индивидуал-психологик сифатлар мавжудлиги, тегишли даражада интеллектуал таъминланганлик муҳим аҳамият касб этса-да, аммо маълум бир фаолият жараёнларининг ўрни бекиёсдир. Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили қуйидаги йўналишларда ишлар олиб борилиши заруриятини кўрсатди:

- турли соҳа мутахассислари иштирокида таълим муассасаларида креативликни ривожланишига таъсир омилларга бағишланган давра суҳбатлари, конференциялар, семинарлар уюштириш;

- таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида асосий эътиборни талабаларда ижодий тафаккурнинг ривожлантирилишига, шунингдек уларда шахслараро муносабатларнинг механизмларининг шаклланишига қаратиш;

- ижодий фикрлашнинг ривожланиши учун энг асосий омил интеллект эканлигини талабаларга тушунтириш.

- амалий психологик тажрибаси асосида таълим муассасаларига ижодий фикрлаш ва креативликнинг асосий омиллари, усул ва воситаларини таҳлил қилиш. Таълим муассасалари талабалари ўртасида креативликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, ижтимоий-психологик дастурлар натижаларини баён этиш.

Фикрлашнинг раволиги – ушбу омилда респондентларда тезлик ва маҳсулдорлик талаб этилади. 12 та расм чизилилади. Баҳолаш - ҳар бир расм учун 1 балдан берилади. Энг юқори бал-12.

Мослашувчанлик – бунда талаба турли ғояларни илгари суриш, ўз позициясини ўзгартириш ва нарсаларга янги нуқтаи назар орқали ёндашади. Категориядаги ҳар бир ўзгариш учун биринчи ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда 1 балл берилади, (тўртта мумкин бўлган тоифалар мавжуд). Максимал балл-11.

Оригиналик – респондент фақатгина чегара чизиқлари билан чекланиб қолмайди, балки, у бутун расмнинг берилган шаблон қисмини яратиш учун контурнинг ташқарисида ва ичкарисида расм чизади. Ҳар бир оригинал расм учун 3 балл берилади. Максимал балл - 36.

Тафаккурнинг ривожланиш даражаси. – респондентлар берилган шаблонга тафсилотларни қўшади, расмда асимметрия ва мураккабликни афзал қўради. Ҳар бир ассиметрик ички ва ташқи расм учун 3 балдан берилади. Максимал балл - 36.

Номлаш - респондентлар луғат бойлигидан моҳирлик ва оқилона фойдаланишади. Ҳар бир мазмунли, ақлли, расмга берилган номни учун 3 балл берилади. Максимал балл-36.

Адабиётлар.



3	Баратов Шариф Рамазонович Психологик хизмат ижтимоий – психологик муаммо сифатида
9	Хусейнова Абира Амановна Ўзбекистонда оилаларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиланинг ижтимоий функциялари
15	Усманова Манзура Наимовна Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	Собирова Дилафруз Абдурозиковна Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	Назаров Акмал Мардонович, Нусратова Мехринисо Бахшиллоевна Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари
32	Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Мехмоноевна Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	Жумаев Улугбек Сатторович Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	Останов Шухрат Шарифович Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	Рустамов Шавкат Шухратович Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	Nazarova Manzura Mustafo qizi Globalashuv jarayonida milliy til omili
58	Ахмедова Заррина Джамиловна Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	Аъзамова Махлиё Абдурахимовна Махаллада психологик хизмат кўрсатишнинг эмпирик асослари
67	Остонов Жасур Шопиржонович Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-атвор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	Собиров Абдулазиз Абдурозикович Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	Тилавов Мухтор Хасан ўгли, Болтаев Суннат Бахтиёр ўгли Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	Рўзиев Умар Музаффарович



	Ўспиринларда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	Ҳакимова Фазолат Хошимовна Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	Ғайбуллаев Алишер Асадович Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари
96	Турахонов Абдукарим Эшқузиёвич Қасбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	Қулиев Ёркин Қаримович Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	Ermatova Gulnoz Pirimovna Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq ogʻzaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	Қабуллов Қосимбой Пиржонович, Қасб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	Ахмедова Максуда Лочиновна Ўқувчиларда ўзбек мусиқа фольклор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	ҚУТЛОВ
121	Баротова Дилафруз Шарифовна